ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ЎРНИ

Собиров Қобилжон Қосимович
Ўзбекистонда ШҲТнинг Халқ дипломатияси маркази директори, Тошкент давлат шарқшунослик университети мустақил изланувчиси

Аннотация. *В статье рассматривается роль народной дипломатии в современных политических процессах, её исторические основы и формы участия представителей общества в международных отношениях. Отдельное внимание уделяется традициям народной дипломатии в Узбекистане и значению культурных связей, диалога и сотрудничества.*

Ключевые слова: *народная дипломатия, международные отношения, культурное сотрудничество, Узбекистан, диалог, политические процессы.*

Annotatsiya. *Maqolada xalq diplomatiyasining zamonaviy siyosiy jarayonlardagi o‘rni, tarixiy asoslari va jamoatchilik vakillarining xalqaro munosabatlardagi ishtiroki ko‘rib chiqiladi. O‘zbekistondagi xalq diplomatiyasi an’analari, madaniy aloqalar, muloqot va hamkorlikning ahamiyatiga alohida e’tibor qaratiladi.*

Kalit so‘zlar: *xalq diplomatiyasi, xalqaro munosabatlar, madaniy hamkorlik, O‘zbekiston, muloqot, siyosiy jarayonlar.*

Abstract. *This article discusses the role of public diplomacy in contemporary political processes, its historical foundations, and the participation of civil society representatives in international relations. Particular attention is paid to traditions of public diplomacy in Uzbekistan and the significance of cultural ties, dialogue, and cooperation.*

Keywords*: public diplomacy, international relations, cultural cooperation, Uzbekistan, dialogue, political processes.*

Халқ дипломатияси – маданият ва анъаналарни яхшироқ тушуниш муносабатларини йўлга қўйиш, манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган халқлар ва ташкилотларнинг беғараз мулоқот майдони. Халқ дипломатиясида сиёсий шахслар эмас, балки ижодкорлар, илм-фан намояндалари, ишбилармон доиралар вакиллари, ёшлар, хуллас оддий халқ вакиллари иштирок этади. Улар халқаро миқёсдаги турли форумлар, симпозиумлар, анжуманлар, ҳаттоки низоларни ҳал этиш бўйича музокараларда ҳам давлат номидан воситачи сифатида қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон учун халқ дипломатияси чуқур тарихий ва ижтимоий-маданий, сиёсий асосларга эга. Миллатлараро, маданиятлараро, конфессиялараро ва тиллараро бағрикенглик ўзбек этноси учун хос фазилатлардан ҳисобланади. ўзбек халқи тарихан Буюк Ипак йўли чорраҳасида турли маданият, тил ва диний қарашларга эга халқлар билан ўзаро цивилизацион алоқада шаклланган.

Халқ дипломатияси тарихнинг барча даврларида тўхтовсиз ривож топиб борган ва бу факт унинг ижтимоий тараққиёт ва жаҳон сиёсатидаги аҳамиятини янада ортишини англатади.

Халқ дипломатиясининг замонавий сиёсий жараёнлардаги ўрни масаласига тўхталганда энг аввало унинг эволюцион ривожланиш босқичларига тўҳталиб ўтиш жоиз.

Халқ дипломатиясининг келиб чиқиши ва сиёсий доираларда қўлланилиши турли даврларда жамият ва халқаро муносабатларнинг улар олдига қўйган масалаларига боғлиқликни кўриш мумкин. “Халқ дипломатияси” сиёсий, дипломатик ва илмий мунозараларга киришнинг узоқ тарихига эга. Шу жиҳатдан халқ дипломатияси тушунчасининг вужудга келиши ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланиш жараёнини 5 та даврга бўлиб ўрганиш мумкин[32].

Ўзбекистон халқ дипломатияси тарихи ҳақида академик А.Аскаровнинг мулоҳазалари яйниқса диққатга сазовордир. Олим Ўзбекистон ҳудудидаги халқ дипломатиясининг илдизлари қадимги бронза даври Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларидаги қазишма ишлари натижасида топилган археолгик манбалар орқали таҳлил қилиб берган[33]. Хусусан, Жанубий Ўзбекистонда шаклланган Сополлитепа манзилгоҳида яшаган аҳоли бронза давридаёқ қўшни халқлар билан бевосита яқиндан ҳамкорлик алоқаларини олиб борган.

Шарқшунос олим М.Исхоқовнинг халқ дипломатиясининг ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ҳақидаги фикрлари Марказий Осиё минтақасида халқ дипломатиясининг чуқур тарихий илдизлари мавжудлигини яна бир бор исботлайди[34]. *“Халқ дипломатиясининг тарихий аҳамиятини Буюк Ипак йўли шаклланишидан олдинги даврлардан бошлаб ўрганган маъқул. Сабаби, Буюк ипак йўли мил. авв.II-I асрларга шаклланган йўл*

[32] Собиров Қ. ва бошқалар. Юракдан юракка интилувчи дипломатия // “Art Vernisage”, Т., 2022. Б. 55.
[33] МТРК жорий архивидан. А. Аскаровнинг “Ўзбекистон тарихи” телеканалида “Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли” мавзусидаги давра суҳбатидаги нутқидан. Т. 2020. 10 февраль.
[34] МТРК жорий архивидан. М. Исхоқовнинг “Ўзбекистон тарихи” телеканалида “Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли” мавзусидаги давра суҳбатидаги нутқидан. Т. 2020. 10 февраль.

сифатида барчага маълум лекин, халқлараро муносабатлар қадимги тош даврларига бориб тақалади".

Ўрта асрларда Марказий Осиё хукмдорлари давлат сиёсатига таъллуқли муҳим масалаларни ҳал этиш, икки томон ўртасидаги низоларга барҳам бериш ва дўстона алоқалар ўрнатиш ҳамда элчилик хизматлирида жамиятда катта нуфуз ва мартабага эга шахслар – "халқ дипломатлари" хизматидан фойдаланган. 1625 йилда Бобурий император Жаҳонгир ўз элчиси Ҳаким Ҳозиқни Мовароуннаҳрга Имомқулихон саройига юборади.

Ҳаким Ҳозиқ ўз замонасининг буюк кишиси, ёркин ақл эгаси, олим, шоир ва табиб эди. Ҳаким Ҳозиқнинг мамлакатлараро дўстликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнаганлигини ўзбек олими И.Низомиддинов алоҳида таъкидлайди[35].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тарихининг барча даврларида халқ дипломатияси ижтимоий-сиёсий жараёнларда муҳим аҳамиятга эга дипломатия воситаси бўлиб хизмат қилган.

Замонавий халқаро муносабатлар тизимида халқ дипломатияси жаҳон сиёсий майдонида пайдо бўлганига кўп вақт бўлмади. 1965 йилда Американинг таниқли теле ва радио журналисти Эдвард Мэроу тарихда биринчи халқ дипломатияси марказига асос солди. Ушбу институт бир йил ўтиб халқ дипломатиясининг таърифини нашр этди ва унда: "Халқ дипломатияси деганда биз ҳукуматлар, жамоат бирлашмалари ва алоҳида шахсларнинг бошқа халқлар ва ҳукуматларнинг нуқтаи назари ва қарашларига таъсир кўрсатадиган даражадаги воситалар ва ташқи сиёсий қарорларни тушунамиз" деб фикр билдирилган[36].

1990-йилларда "халқ дипломатияси" тушунчаси амалиёт ва изланишларда устунлик қила бошлади. Машҳур олим Ж.Най бу тушунчанинг шарҳини у томонидан ишлаб чиқилган "юмшоқ куч" тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган ҳолда кенгайтирди. Унинг таъкидлашича, халқ дипломатияси давлатнинг "юмшоқ кучини" тарғиб қилиш воситаси бўлиб, у ўз навбатида учта манбага эга: ички сиёсат ва ижтимоий қадриятлар, мамлакат маданияти, ташқи сиёсат. Шу сабабли, халқ дипломатияси ушбу учта усул орқали давлатнинг "юмшоқ куч" манбаларини тарғиб қилади. Биринчи усул – бу давлатнинг ташқи сиёсатини тушунтириш учун хорижий аудитория билан кундалик мулоқот. Иккинчи усул – бу давлат брендини тарғиб қилишга

[35] Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл шарқи билан муносабатлари. 27-бет.
[36] Цит. по: Cull N. J. Public Diplomacy before Gullion: The Evolution of a Phrase // Routledge Handbook of Public Diplomacy. Ed. by Nancy Snow, Philip M. Taylor. L.; N.Y.: Routledge, 2009. P. 19. Казбекова Д. С. Публичная дипломатия во внешней политике Федеративной Республики Германия и Республики Казахстан: Дисс. … д-ра полит. наук. Астана, 2014. С.19.

қаратилган кампанияларни амалга ошириш. Учинчи усул – мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатишга қаратилган лойиҳалар[37].

Бу даврда халқ дипломатиясининг ривожланиши икки қутбли даврдан ўтди дейиш мумкин, ва бу ҳол камида учта инқилоб: халқаро муносабатлардаги, оммавий ахборот воситаларидаги ва сиёсатдаги инқилоблар билан боғлиқ[38]. ОАВдаги инқилоб – бу Интернет ва CNN каби умумжаҳон ОАВларининг пайдо бўлишидир. Сиёсий инқилоб сифатида демократлаштиришнинг учинчи тўлқинида ўз ифодасини топиб, у сиёсий жараёнларда оммавий қатнашиш даражасини ҳар доимдагига нисбатан ошишига олиб келди[39]. Халқаро муносабатлардаги инқилоб шундан иборатки, давлатлар эндиликда географик ҳудуд ёки табиий ресурслар учун эмас, балки ўз обрўси, инвестициялар учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги, ўз ғоялари, талантлари ва маданияти борасида рақобатга кириша бошладилар[40].

Дунёда глобализация ва интеграция жараёнлари кенгайиб бораётган бир вақтда халқ дипломатияси халқаро муносабатларнинг асосий унсурларидан бирига айланмоқда.

Сўнгги йилларда олимлар халқ дипломатияси амалиётида муайян силжишларни намойиш этадиган “Янги халқ дипломатияси” ҳақида фикр юритишмоқда. 2000-йиллар бошланиши билан тегишли адабиётларда пайдо бўлган “янги халқ дипломатияси” тушунчасини ахборот жамияти глобаллашувининг натижаси дейиш мумкин[41]. “Янги халқ дипломатияси” бу замонавий технологиялар натижасида трансформацион жараёнларни бошдан кечираётган “**рақамли халқ дипломатияси”дир.**

Бугун барчага таниш ва маълум бўлган рақамли ахборот узатиш воситалари замонавий халқ дипломатиясининг ҳам ажралмас қисми ҳисобланади. Дунё сиёсий тизимини рақамли воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Илмий атама сифатида кириб келаётган “фейсбук дипломатияси”, “твиттер дипломатияси” каби тушинчалар халқ дипломатиясининг замонавий рақамли кўринишига айланиб улгурган.

Халқ дипломатияси стратегиясини қайта кўриб чиқиш кўп жиҳатдан “янги халқ дипломатияси” нинг асосини яратди. “янги халқ дипломатияси”

[37] Nye J. Public Diplomacy and Soft Power // Annals of the American Academy of Political and Social Science. Vol. 616. 2008. P. 94.
[38] Gilboa E. Searching for a theory of public diplomacy // The Annals of the American Academy of Political and Social Science. 2008. Vol. 616. No 1. P. 55–77. URL: https://doi.org/10.1177/0002716207312142.
[39] Huntington S. P. The third wave: Democratization in the late twentieth century. University of Oklahoma Press, 1993. IT Strategic Plan: Fiscal Years 2011–2013 Digital Diplomacy // US Department of State. 2010. September 1. URL:http://www.state.gov/m/irm/rls/148572.htm.
[40] Luttwak E. N. From geopolitics to geo-economics: logic of confl ict, grammar of commerce // The National Interest. 1990. No 20. P. 17–23.
[41] Vickers R. The new public diplomacy: Britain and Canada compared // The British Journal of Politics and International Relations. 2004. Vol. 6. No 2. P. 182–194. URL: https://doi.org/10.1111/j.1467-856X.2004.00133.x.

халқ дипломатиясида юз берган барча эволюцион ва инқилобий ўзгаришларни умумлаштирувчи концепциядир[42].

Шу билан бирга ҳозирда илмий адабиётларда халқ дипломатиясининг “маданий дипломатия”, “спорт дипломатияси”, “иқтисодий дипломатия” каби бир қанча тор доирадаги, маълум бир соҳа ва тармоқларни қамраб оладиган кичик тармоқлари хам мавжуд. Юқоридаги халқ дипломатияси соҳалари алоҳида тармоқ ва аҳамиятга эга бўлсада уларни халқ дипломатияси тушунчаси ўрнида қўллаб бўлмайди[43].

Мамлакатлар ташқи сиёсатидаги рақамли ўзгаришлар трансформацияси даврида барчанинг ва ҳар бир томоннинг манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорликни кўп томонлама институтларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу институтлар фаолиятидаги муайян камчиликларга қарамасдан, улар минтақавий ва глобал миқёсда давлатлараро ҳамкорликнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар мамлакатлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни енгиб ўтиш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу ташкилот маданий-цивилизацион қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ШҲТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Нисбатан қисқа вақт ичида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро муносабатларда муҳим рол ўйнайдиган нуфузли халқаро ташкилотга айланди. ШҲТ доирасидаги муносабатлар шу кунгача асосан хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик йўналишларида ривожланган. Аммо бундан буёғига ўзаро алоқаларни таълим, маданият, туризм, биродар шаҳарлар институти сингари

[42] Долинский А.В. Дискурс о публичной дипломатии // Международные процессы. – 2011а. – Том 9. № 1 (25). – С. 63-73.
[43] Лебедева М. М. Публичная дипломатия: исчезновение или новые горизонты? Публичная дипломатия: Теория и практика: Научное издание / Под ред.М. М. Лебедевой. — М.: Издательство «Аспект Пресс», 2017. — С.10.

йўналишлар билан тўлдириш зарурати юзага келди, негаки ШҲТ буларсиз кенг кўламли характерга эга бўлолмаслиги аён бўлиб қолди”[44].

Янги синовлар ва имкониятлар вужудга келаётган бугунги дунёда ШҲТнинг трансформацияси ва юксалиши учун нафақат аъзолар сонининг кўпайиши ҳисобига, балки ташкилот ривожининг янги стратегик йўналишларини илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд.

Замонавий халқ дипломатиясининг ривожланишида давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни ҳам муҳим[45]. Бунда асосий эътибор давлат тузилмалари ва мансабдор шахсларга эмас, балки ҳамкорликни кенгайтириш имкониятига эга жамоат ташкилотларига қаратилади.

2017 йил 9 июнда Остона шаҳрида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва таклифларни амалга ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларини муваффақиятли амалга оширишда халқ дипломатияси механизмларидан хар томонлама фойдаланиш мақсадида 2018 йилда нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишидаги муассаса шаклида Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ҳалқ дипломатияси маркази ташкил этилди[46].

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган Халқ дипломатияси марказини яратиш ғояси, халқаро вазиятдаги беқарорлик ва ноаниқлик омиллари ҳамда турли хатарлар сонининг кўпайиши фонида ўта долзарбдир[47]. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси марказининг фаолияти[48] ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг хилма-хил имкониятларини очишга, ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни

[44]Сафоев С. Халқ дипломатияси барча соҳаларда муваффақият қозонишга ёрдам беради.https://sputniknews-uz.com/politics/20190129/10661499/Safoev-Khal-diplomatiyasi-barcha-soalarda-muvaffaiyat-ozonishga-rdam-beradi.html

[45] МТРК жорий архивидан. И. Бекмуродовнинг “Ўзбекистон тарихи” телеканалида “Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли” мавзусидаги давра суҳбатидаги нутқидан. Т. 2020. 10 февраль.

[46] Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. // Тошкент ш., 2018 йил 26 июнь, ПҚ-3807-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2018й.,07/18/3807/1401-сон). // www.lex.uz

[47] “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали № 1/2019 // ШҲТ халқ дипломатияси маркази Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади. Б.95.

[48] Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ҳақида https://scocenter.uz/about-center

мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади[49].

Марказ бугунги кунда илм-фан, таълим, маданият ва спорт, туризм, бизнес каби соҳаларда кўплаб амалий ишларни олиб бормоқда. Марказ ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ўзбекистонда ШҲТнинг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилган даврдан бошлаб ўз фаолиятини "Шанхай руҳи" тамойилларини фаол тарғиб қилишга қаратган. "Шанхай руҳи" асосида ўзаро ишонч, манфаат, тенглик, маслаҳатлашув, маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат, биргаликда ривожланишга интилиш каби тушунчалар ётади. Унинг мантиқий асосларига киритилган ҳар бир концепция чуқур маънога эга. Улар бирлашиб "Янги хавфсизлик модели" асосини ташкил этади.

"Ўзаро ишонч" тамойили ўзаро тушунишга, халқаро шартномалар ва мажбуриятларга риоя қилишга, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига риоя қилишга асосланган самимий муносабатларни назарда тутади.

"Ўзаро манфаат" тамойили эса томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва кафолатлаш зарурлиги, ўз мамлакатининг хавфсизлиги бошқа давлатлар хавфсизлиги билан ажралмас эканини билдиради.

Халқаро муносабатлар субъектларининг "тенглиги" уларнинг ҳудуди катталиги, фаровонлик даражаси ва давлат ҳокимиятидан қатъи назар, давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги тенг мақомини назарда тутади. Уларнинг барчаси тинчлик ва осойишталикка, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга, баъзи давлатларнинг бошқалардан устунлик қилишга интилиш ларига қарши курашда тенгдир.

"Ҳамкорлик" тамойилида бир давлат бошқасига қарши иттифоқ тузмаслиги, мулоқот ва маслаҳатлашувлар орқали яширин таҳдидларга барҳам бериши, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиши, қуролли тўқнашувларнинг олдини олиши ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш тушунилади.

"Маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш" тамойили – замонавий дунёда маданиятлар ва цивилизациялар хилма-хиллигини тан олиш, ҳар бир давлатнинг тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳар бир миллатнинг ўз ижтимоий тизими ва ривожланиш моделининг мустақил танловига ҳурмат билдиришни англатади.

[49] "Ўзбекистон" ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали № 1/2019 // ШҲТ халқ дипломатияси маркази Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади. Б.95.

“Биргаликда ривожланишга интилиш” шимол ва жануб ўртасидаги номутаносибликни камайтириш, ижтимоий табақаланиш муаммосини ҳал қилиш, ҳамкорлик жараёнида ўзаро фаровонликка интилиш, бошқа давлатларнинг ҳар қандай ижобий тажрибасини ўрганишни англатади.

“Шанхай руҳи” замонавий воқеликларга мос келади ва ШҲТга аъзо давлатларнинг жаҳон тартиботи асосий масалалари бўйича жамоавий позициясини акс эттиради. Ушбу моделда бирор-бир давлат хавфсизлигини минтақа ва ҳатто бутун дунё хавфсизлигидан ажратиб бўлмайди.

Хавфсизликнинг анъанавий концепцияси урушлар ва инқилоблар даврида шаклланган бўлиб, хавфсизлик муаммоларини ҳарбий-дипломатик усулда ҳал қилиб келган. Бу ўйинда бирор давлат ғалаба қозонса, иккинчиси муқаррар мағлуб бўлган. Шу боис, ҳарбий иттифоқлар тузилиши ва баъзи давлатларнинг ҳарбий қудратини доимий равишда ошириб боришига сабаб бўлган.

Янги модель ўзаро боғлиқликнинг юқори даражасига эга бўлган жаҳон тизимини шакллантириш шароитида индивидуал давлат хавфсизлиги аста-секин умуминсоний хавфсизликка яқинлашиб, халқаро ва глобал даражага эга бўлишидан келиб чиқади.

Шу билан бирга, бизнинг давримиздаги инсонлар дуч келадиган муаммоларнинг аксарияти трансчегаравий характерга эга. Масалан, молиявий ва энергетик инқирозлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, терроризм ва юқумли касалликлар тарқалиши. Уларни халқаро ҳамжамият аъзолари қарама-қаршиликлари билан эмас, балки кўп томонлама ҳамкорлик орқали ҳал қилиш мумкин.

Ўзаро ишонч ва тенглик — “Шанхай руҳи” назариясининг ажралмас элементлари сифатида халқаро муносабатлар янги моделининг жамланган ифодасига айланди. Жаҳон тарихида айрим давлатлар куч ишлатиш сиёсатига таяниб ва ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда, бошқа давлатларни эксплуатация қилгани, уларга қарши тажовуз кўрсатгани, узоқ муддатли ва қонли можароларни қўзғатган ҳолатлари бўлган. Халқаро муносабатларнинг янги концепцияси унинг иштирокчилари ўз зиммаларига олган мажбуриятларга содиқлигига асосланади. Концепциянинг ўзига хос хусусияти давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва қуролли босим ўтказишга йўл қўймасликдир. Ушбу моделда барча мамлакатлар халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, уларнинг ҳеч бири махсус, юқори даражани талаб этишга, ҳукмрон ва гегемонликка даъво қилишга ҳақли эмас.

ШҲТ дастлаб тинчлик ва барқарорлик таҳдидларига қарши курашиш, минтақавий ҳамкорлик қилиш каби эзгу истакларга боғлиқ ҳолда шаклланган.

Бошқача айтганда, ташкилот аъзо давлатларнинг замонамиздаги муаммоларга жамоавий жавобидир.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яккаю ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир.

Самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилидир. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади[50].

Бугун ШҲТ макони, ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли, йирик халқаро можаролардан мустасно ҳудуд, деб бемалол таъкидлай оламиз. Дунёда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар халқларнинг бир-бирига яқинлашишини тақозо этяпти. Аёнки, бунга маданий-гуманитар алоқаларни, олимлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва оддий кишилар ўртасида мулоқот ўрнатмай туриб эришиб бўлмайди. Бунинг учун турли фестиваллар, ярмаркалар, кўргазмалар, таҳлилий марказлар ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим.

Бугунги глобаллашув даврида барча соҳалар – фан-таълим, матбуот, туризм, маданият ва санъат, иқтисодиёт, саноат ва ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги трансформацион жараёнларни бошдан кечирмоқда. Бу эса ўз навбатида давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди.

Жаҳон халқаро ташкилотлари тизимида халқ дипломатияси институтини амалда қўлланиши ва расман ишлатишини биз ШҲТ мисолида кўп гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мисол усун, ШҲТнинг 20 йиллиги муносабати билан 2021 йил 16-17 сентябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти – Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти

[50] Мирзиёев Ш. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик. // “Янги Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газетаси. № 186 (708), 2022 йил 12 сентябрь

Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси якунида Душанбе декларацияси қабул қилинган бўлиб, унининг 5.8 бандида “Аъзо давлатлар ШҲТ доирасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилаётган халқ дипломатияси институтлари фаолиятини олқишлайди. Улар ШҲТга аъзо давлатларда фаолият юритаётган халқ дипломатияси институтлари ва маданият марказлари томонидан қўшма форумлар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказишни рағбатлантиради” – деб келтириб ўтилган[51].

Бугун жаҳон мамлакатлари ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур. Бунинг учун эса қулай, хавфсиз майдон – мулоқот платформаси кераклигини англаган Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ШҲТ ва дунё халқларини янги майдонга чақирмоқда. Бу борада маданий, сиёсий ва ижтимоий жамоатчиликни ўзида тўпловчи шаҳарлар ва “Шаҳарлар дипломатиясининг” роли яққол сезилади. Шу боис ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиё жавоҳири Самарқанд – Ўзбекистон халқ дипломатиясининг марказларидан бирига айланиб бормоқда. Кўп асрлар мобайнида бу шаҳар Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаб, Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган. Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билимлар “қайнаган” макон бўлиб, бу масканда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечириш каби муштарак мақсадлари мужассам бўлган.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШҲТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

Аслини олганда, “Самарқанд руҳи” бундан 23 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига туртки берган “Шанхай руҳи”ни уйғун равишда тўлдириб туради.

Шу тариқа Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги халқ дипломатияси атамаси пайдо бўлди дейиш мумкин. Самарқанд бирдамлик ташаббуси халқаро ҳамкорлик, цивилизацияларараро глобал мулоқот платформаси. **“Самарқанд бирдамлик ташаббуси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган халқ дипломатиясининг янги мулоқот майдонидир. У ўз**

[51] Алимов Р. Шанхайская Организация Сотрудничества: от Шанхая до Душанбе. // “Эр-граф”, Д., 2022. С. 243.

ичига глобал хавфсизликдан тортиб маданий ҳамкорликларгача бўлган барча жабҳаларни қамраб олади. Ташаббус айни пайтдаги дунёни якдил ва бидамликка, барқарор ривожланишга чорлайди".

"Самарқанд бирдамлик ташаббуси" – илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил Самарқандда бўлиб ўтган ШҲТ саммитида илгари сурилган ва 2023 йил БМТ нинг 78 сессиясида яна бир бор таъкидлаб ўтилган эди. Ушбу ташаббус ва Ўзбекистоннинг фаол тинчлик ва бирдамлик сиёсати халқ дипломатиясининг янги босқичини бошлаб бериши мумкин.

Ушбу ташаббуснинг мақсади – бизнинг умумий келажагимизга бефарқ бўлмаган, ихтилофларга қарамасдан келишилган ёндашувлар ва қарорларни излашга тайёр, "Самарқанд руҳи" тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал цивилизацияларараро мулоқотга жалб қилишдир"[52].

Самарқанд дунёда хавфсизлик, барқарор ривожланиш, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган ўзаро боғлиқлик ҳамда ҳамкорликни раҳбатлантириш масалалари бўйича конструктив муҳокама учун ўзига хос халқаро майдонга айланмоқда.

Самарқанд бирдамлик ташаббуси айни пайтда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, барча манфаатдор давлатларни цивилизацияларараро глобал мулоқотга жалб этиш, келишилган ёндашув ва ечимларни излаш, ишончни мустаҳкамлаш, глобал кескинлик, ноаниқлик ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатларни бартараф этишдан иборат.

Ўзаро ҳамкорликнинг ушбу формати дунё давлатлари ва халқларининг маданий, цивилизациявий, миллатлараро, динлараро ўзаро муносабатларни ривожлантириш орқали мавжуд қарама-қаршилик ва келишмовчиликларни юмшатиш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган.

Шу боис ҳам, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган **Самарқанд бирдамлик ташаббуси дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яккаю-ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдан иборат ғояни ўзида мужассам этиши билан глобал ҳамкорликнинг янги плтаформаси дейиш мумкин.**

Сабаби Самарқанд бугун Ўзбекистон олиб бораётган очиқ, прагматик ташқи сиёсатнинг марказига айланиб бормоқда. Ўтган даврда ушбу шаҳар 50 га яқин турли халқаро тадбирларга мезбонлик қилди. Президентимизнинг халқаро ареналардаги чиқишлари Ўзбекистон сўнгги йилларда халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик,

[52] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. 2022 йил 16 сентябрь // https://president.uz/uz/lists/view/5542

мулоқот, глобал ҳаракатларни йўлга қўйиш, бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташаббускори бўлаётганини яна бир карра яққол кўрсатди.

Самарқанд бирдамлик ташаббуси замирида биз Ислом динидаги эзгулик, аҳиллик, биродарлик, меҳр ва муҳҳаббат ғояларини мужассам бўлганини кўрамиз. Шаҳар ва унинг кўп миллатли халқи азалдан диний бағрикенгликни ўзига шиор қилиб келган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, халқ дипломатияси нафақат мамлакатнинг ижобий имиджини яратиш ёки чет эллик тарафдорларни жалб қилиш, дин, маданият ва тарих нуқтаи назаридан ҳам давлатлар аҳолиси ўртасида тўлақонли алоқа каналларини яратиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон ҳукумати ҳам бу борада ватандошларга кўмак бериши ва хорижда Хитойнинг “Конфуций”, Япониянинг “Япония фонди”, Буюк Британиянинг “Британия кенгаши”, Германиянинг “Гйёте институти” каби маданият марказлари каби “Алишер Навоий” маданият марказини ташкил этиши хорижда Ўзбекистон халқ дипломатиясининг рейтинги ошишига олиб келади.

Халқ дипломатиясининг Ўзбекистон ташқи сиёсатида аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, Ўзбекистонни халқаро нуфузи ва имиджини ошишига хизмат қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда халқ дипломатияси илмий тадқиқот обьекти сифатида ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шу пайтгача олиб борилган тадқиқотларда асосан халқ дипломатиясининг бир тармоғи ҳисобланган маданий ҳамкорлик алоқаларига кўп урғу берилган.

Учинчидан, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган халқ дипломатияси тамойиллари Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таминлашга ҳисса қўшади.

Тўртинчидан, Ўзбекистонни жаҳон мамлакатлари билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ва мамлакатнинг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ривожланишига олиб келади.

Бешинчидан, мамлакатдаги ННТ ларнинг роли ва аҳамиятини, жамоатчиликнинг фикрини мустаҳкамлашга эришилади.